

КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИГА ШАРАФЛАР!

БУТҮН ДҮНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ

210 (4201).

23

ОКТАБРЬ

ПАЙШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

Совет халқи ва бутун

инсоният етти совет фазо

баҳодирининг афсонавий

жасоратини қутламоқда.

СССР Олий Совети Президиумида

«Союз-6» кемасида космик парвозни амалга оширганлиги учун СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1969 йил 22 октябрь Фармони билан Совет Иттифоқи граждани ўртоқ Георгий Степанович Шонинга ва Совет Иттифоқи граждани ўртоқ Валерий Николаевич Кубасовга «СССРнинг космонавт учувчиси» унвонини берди.

«Союз-7» кемасида космик парвозни амалга оширганлиги учун СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1969 йил 22 октябрь Фармони билан Совет Иттифоқи граждани ўртоқ Анатолий Васильевич Филиппенкога, Совет Иттифоқи граждани ўртоқ Владислав Николаевич Волковга ва Совет Иттифоқи граждани ўртоқ Виктор Васильевич Горбаткога «СССРнинг космонавт учувчиси» унвонини берди.

(ТАСС).

ЮКСАК МУКОФОТ

«Союз-6», «Союз-7» ва «Союз-8» космик кемаларининг гурӯҳи бўлиб ўтишини муваффақиятли амалга оширганликлари ҳамда бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун «Союз-6» кемасининг командири космонавт-учувчи ўртоқ Георгий Степанович Шонинга, космонавт-учувчи ўртоқ Валерий Николаевич Кубасовга, «Союз-7» кемасининг командири, космонавт-учувчи ўртоқ Анатолий Васильевич Филиппенкога, космонавт-учувчи ўртоқ Владислав Николаевич Волковга ва космонавт-учувчи ўртоқ Виктор Васильевич Горбаткога СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1969 йил 22 октябрь Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини берди, уларга Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали топширилди.

«Союз-6», «Союз-7» ва «Союз-8» кемаларининг гурӯҳи бўлиб ўтишини муваффақиятли амалга оширганликлари ҳамда бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун «Союз-8» кемасининг командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси ўртоқ Владимир Александрович Шаталовни ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси ўртоқ Алексей Станиславович Елисеевни СССР Олий Советининг Президиуми ўзининг 1969 йил 22 октябрь Фармони билан иккинчи «Олтин юлдуз» медали билан мукофотлади.

(ТАСС).

Мана ўша номли қаҳрамонлари, «Союз-6», «Союз-7», «Союз-8» совет космик кемаси экипажларининг аъзолари.

В. ЧЕРДИНЦЕВ фотоси. (ТАСС).



ШОН-ШУҲРАТ ЙЎЛИ

Космос қаҳрамонлари Москвада

тантанали кутиб олинди

Ироқ космик сафардан қайтиб келган космонавтларни бу ерда, Совет пойтахтининг Внуково аэропортида тантанали кутиб олиш яхши анъана бўлиб келди. Москва тупроғига қадам қўйган космоснинг ҳар бир янги қаҳрамони ана шу шон-шухрат йўлидан ўтади.

Космос фазоқорларини пойтахт — тўққизинчи марта шодона табриклар кутиб олмоқда. Кутиб олиш учун аэродромда ҳамма нарсаси тайин. Кунин кеча жондон планетадан Ироқда ашшб меҳнатчилар Г. С. Шонин, В. Н. Кубасов, А. В. Филиппенко, В. Н. Волков, В. В. Горбатко, В. А. Шаталов, А. С. Елисеевларнинг номи ҳаммага таниш. Доворак еттоволнинг иккинчи — Владимир Шаталов билан Алексей Елисеев бундай кутиб олишнинг бахтига аввал ҳам мушарраф бўлишган, улар шу йилнинг январда «Союз-4», «Союз-5» кемаларининг муваффақиятли парвоз қилганлиги тўғрисида ватанга рапорт берган эдилар. «Союз-6», «Союз-7» ва «Союз-8» космик кемаларининг бу сафарга аjoyиб парвози — Ватан фахри техникасини ривожлантиришнинг янги муҳим босқичидир. Бу — совет халқининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига тайинланган биринчи муваффақиятларидан биридир.

СССРнинг давлат байроқлари, шорлар ва транспарантлар билан безатилган Внуково аэродромига КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, министрлар, олимлар, инженерлар, Совет Армиясининг маршаллари, генераллари ва офицерлари, корхоналар, қурилишлар, муассасаларнинг намояндалари, студентлар келишди.

СССРнинг космонавт-учувчилари, янги техника-космик ра-

кеталарининг, планеталарга автомат станцияларнинг, йўдошлар, кемаларнинг ижодкорлари қўлларига гул тутиб ўзларининг самовий биродарларини кутиб олиш учун чакдилар.

Аэродромга Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. И. Нельше, Н. В. Подгорный, Д. С. Полянский, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Н. В. Капитонов, К. Ф. Катупшев, Ф. Д. Кулаков, М. С. Соломенцев ўртоқлар келишди.

Учрашув дақиқалари яқинлашиб келмоқда. Осмонда кумуранг кўш — «ИЛ-62» самолёти кўзга чалинади. Унга кирувчи самолётларнинг фахрий эскорти ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Самолёт ерга қўниб, учрашув жойига келиб тўхтади. Гулдурс қарсақлар остида космонавтлар В. А. Шаталов, Г. С. Шонин, В. Н. Кубасов, А. В. Филиппенко, В. Н. Волков, В. В. Горбатко, А. С. Елисеевлар қизил гилам пояндоғига қадам қўйдилар.

«Тобора баландрон...» марши янгради. Космонавтлар шахдам оидим ташлаб, ҳукумат минбарига борадилар ва ўзинг аълоларидан юқори кўтариладилар.

Космик кемалар гуруҳининг командири, СССРнинг космонавт-учувчиси полковник В. Шаталов Ватанин «Союз-6», «Союз-7» ва «Союз-8» кемаларида космосга парвоз қилганлигини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига маълум қилди. Тарихда биринчи марта Ер атрофидаги орбитада уч кема гуруҳи бўлиб космик парвози муваффақиятли бакарди. Уларнинг ускуналари ва аппаратлари нормал ишлади. Экипажлар ўзларини яхши ҳис

қилмоқда. Космонавтлар Ватанин янги топшириқларини бажаришга тайёр.

Сунгра «Союз-6» космик кемасининг командири полковник Г. Шонин ва «Союз-7» космик кемасининг командири полковник А. Филиппенко рапорт бердилар.

Совет Иттифоқининг давлат гимни таътиллашор янгради. Тўғлардан бир йўла 21 марта ўн узиб берилган артиллерия салюти гўмбурлайди. Партия ва ҳукумат раҳбарлари космонавтларни ўз бағирларига оладилар. Улар отряддаги ўртоқлари билан самимий кучоқлашадилар.

Понерлар қаҳрамонларга ва партия билан ҳукумат раҳбарларига — минбарда турган кишиларнинг ҳаммасига гулдастлар тутадилар.

Қаҳрамонлар дипломатия корпусининг аъзоларига таништирилди.

Космонавтлар Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорный билан бирга меҳнаткашларнинг намояндалари турган минбарлар ёнида юриб ўтишди. Меҳнаткашларнинг намояндалари уларнинг саломига самимий жавоб қайтардилар. «Ура!» садоари. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати шарафига, Ватанимизнинг космосдаги шонли, ғалабалари шарафига айтилган хитоблар тўхтовсиз янграб туради.

«Союз» кемаларининг экипажлари аэровокзалдан чиқиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлари билан бир-галликда автомашиналарга ўтиришди.

Шон-шухрат йўлининг дастлабки метрлардан бошлаб — аэродромдан бутун Киев кўчаси бўйлаб кутиб турган минг-минглаб кишилар етти баҳодирни табриқладилар.

Хурмат трассаси Кремль девори ёнида тугайди.

(ТАСС).

СОВЕТ КИШИЛАРИ— КОСМОС КАШШОФЛАРИ

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДАЛ САРОЙИДА
ТАНТАНАЛИ МИТИНГ

Кремльнинг Съездлар саройи, 22 октябрь кунин бу сарой космос заботкорлари — олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар, ишчилар шарафига, космонавтлар шарафига ўтказилган яна бир тантананинг гувоҳи бўлди. «Союз-6», «Союз-7» ва «Союз-8» космик кемаларининг кўн сут, на мобайнида гуруҳи бўлиб ўтишини муваффақиятли амалга оширган ана шу кишилар билан Ватан фахрланди.

Саҳна тепасида — Ер юзидagi миллион-миллион кишиларга таниш бўлган Владимир Ильич Ленин силуети кўзга ташланади. Совет кишилари ўзларининг фир-зирлари ва ишларини шу зотга, Октябрь революциясининг улуг йўлбошчисига қаратмоқдалар. Улар давримизнинг ҳамма зафарларини унинг номи билан боғламоқдалар. Қаҳрамон космонавтларимиз коммунистлар Г. С. Шонин, В. Н.

Кубасов, А. В. Филиппенко, В. Н. Волков, В. В. Горбатко, В. А. Шаталов ва А. С. Елисеевлар ҳам ўзларининг янги жасоратини Ленинга бағишладилар.

Сарой гўмбазлари остида Глинка янгради.

Мажлис ахли Коммунистик партия билан Совет ҳукумати раҳбарларини, доворан фазоқорларини қизгин қарсақлар билан кутиб олади.

Пойтахт меҳнаткашлари вакиллари митингини КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигида намидат, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин очди.

СССРнинг космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, биринчи космик эскадранинг командири, юлдузлар океанига иккинчи бор сафар қилган В. А. Шаталовга сўз берилди.

Ўртоқ В. А. ШАТАЛОВ нутқи

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! Учувчилар бошқардиган уч космик кеманин гуруҳи бўлиб ўтиши муваффақият билан тугалланганлиги, унинг программаси тўла-тўқис бажарилганлигини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига, бутун совет халқига маълум қилаётганлигини билан бахтиёрман.

Бизга кўрсатилган юксак ишонч учун шу учинчи амалга оширган космонавт-учувчилар номидан жоннаҳ партияга, ҳукуматимизга, совет халқига миннатдорчилик билдиришга руҳанат эгадиз. Мен ва Алексей Елисеев бу вазифани айтишга ҳурсандчилик билан адо этдик, чунки биз йил мобайнида ик-

кинчи марта шу қадар юксак шарафга сазовор бўлдик.

Космик фазони тадқиқ этиш Совет программаси изчил ва планли равишда бажариламоқда. «Союз» кемаларининг гуруҳи бўлиб ўтиши космосни ўрганиш ва ўзлаштиришда эришилган янги ютуқдир. Кема системалари ҳамда кемаларни бошқариш методларини янада такомиллаштиришда шу учини гуфайди муҳим қадам қўйилди. Уч экипаж, ердаги барча марказлар ва хизматлар, кўп минг кишилик мутахассислар коллективларининг ишчи нийоятда бекам кўст ташкил этиб бир-бирлари билан келишиб ишлашларини таъдил атувчи космик эксперимент биринчи бор амалга оширилди.

Ҳамма кемаларининг экипажлар

ри космосда бир неча кун бўлиб қолган муҳим илмий-техникавий топшириқларини бакардилар: Ер атрофи космик фазосида кенг қўламдаги программа бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказдилар; Уч космик кеманин биргалашиб ўтишини ва гуруҳи бўлиб ўтишини бошқаришни пилштирдилар; мушакли ҳолда навигация қилиш учун зарур бўлган асбоб ва воситаларни сынаб кўрдилар.

Маневр қилиш процессида кемалар бир-бирларига яқинлашиб, экипажлар бир-бирларини кузатдилар, тулли масофадан турб объектларнинг кўзга кўринишини аниқлаш мақсадида фото суратга олдилар ва кино сўйма қилдилар. Ёруглик индекслари ва кўз билан қараладиган оптик воситалар ердаида бир-бирларига маълумот юбориш имконияти тадқиқ этилди.

Варча экипажлар учун катта ҳажмдаги қизилқиз тадқиқотлар ўтказиш кўзда тутилган эди. «Союз-6» кемасида металлари пайвандлаш шу ўзига ҳос космик экспериментлардан бири эди.

Мен космик кемалар гуруҳининг командири сифатида шунини мамнуният билан маълум қиламанки, учинчи таъминловчи барча хизматларининг яхши ташкил этилганлиги олдинда турган вафайларини бажарилишига ердан берди. Ҳамма кемаларининг экипажлари бутун куч-қувватларини ишга солиб меҳнат қилдилар.

Илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш натижасида олинган материаллар халқ ҳўжалик вафайларини ҳал этишда фойдали бўлади, деб умид қиламан.

Кемаларининг учини, космонавтларининг иши тўғрисидаги ўз таассуротларини айтиб беришга руҳанат этгадиз. Космик кемалар белгилаб қўйилган аниқ вақтда бирини ер атрофи орбитасига чиқди. Кемаларимиз бир-бирларига яқинлашиб келиб бир-бирларимиз билан радио алоқа ўрнатган, бир-бирларимизни қўтлаган дақиқалар

биз учун ёқимли ва ҳаяжонлантирувчи дақиқалар бўлди.

Йонга мақсади қўзлаган кемаларининг экипажлари ҳамжиҳат ва аҳил бўлиб ишладилар, масалаҳат ва ҳазил мўтобиқа қилиб бир-бирларига мадад ва ердан бериб турдилар. Ҳар-бир экспериментни ўтказишда ўз фирқаларимизни бир-биримизга айтиб турдик, эришилган муваффақиятлардан ҳаммаимиз кувондик. Экипаж аъзолари ўзларини яхши ҳис қилдилар. Мен ва Алексей Елисеев учун космоснинг шарт шароитларини таниш бўлиб қолгадиз. Биз кутилмаган ҳеч нарсасга лўн келмадик. Шу йилнинг январда орттирган тажриба «Союз-8» кемасини мушакли ҳолда маневр қилиришдек аниқ мақсадли программани бемалол ва дадил бажаришимизга имкон берди.

«Союз» кемалари учини вақтда юксак сифатларга эга эканликлари яна бир бор намойиш қилди. Кемаларининг аппаратлари ва барча системалари нормал ишлаб турди. Бу кемалар фаимиз ва инженерлик заковатинининг аjoyиб ютуғи бўлиб, шонли меҳнаткашларимизнинг моҳир қўллари билан яратилгандир.

Биринчи класс «Союз» кемаларини яратган олимлар, конструкторлар инженерлар, техниклар ва ишчилар гуруҳи бўлиб космик учини катнашчилари номидан самимий миннатдорчилик изҳор этишга руҳанат бергадиз.

Биз космик сафарда партия, ҳукуматнинг бутун совет халқининг катта ғамхўрлиги ва эътиборини доимо сезиб турдик. Леонид Ильич Брежнев, Николай Викторович Подгорный ва Алексей Николаевич Косигиннинг самимий табриклари, уларнинг оталарга оқ йўл тилганликлари ва муваффақиятларга эришувимизни истайдиганлиги бизни ғоят қувонтирди. Буларнинг ҳаммаси кучимизга куч қўшди. Иложига борица кўпроқ ва яхшироқ ишлашни истайдик.

(Давоми иккинчи бетда).

